

Ўткан 1918 йил 4 ноябрда Маориф комиссариати тарафиндан чиқарилгон 38 рақамли буйруқнинг 6-моддасинда мусулмон мактабларида дин дарслари ўқитмок тўғрисида тубандаги сўзлар ёзилгон эди:

«Мусулмон халқи ўртасиндаги тараккиётнинг озлигин ва унлар орасиндаги таассуб ва қоралиқларни эътиборга олиб, дин дарслари тўғрисида мусулмон мактабларига истисно қилинур, ҳам мусулмон мактабларидан шогирдларига (имомлар тарафиндан ўқитилмок шарти ила) таҳорат ва шунга ўхшаш муҳимрок ҳавойижи динияларин ўргатмакка муаллимларга ихтиёр берилди».

Бутун Туркистон жумҳуриятиндаги ерлик мактабларда дин дарсларини ўқитув ва мактабда ибодатлар қилдирув манъ қилингон ҳолда, ёлгуз мусулмонлар учун истисно тариқида дин дарсларини бермокга рухсат этилуб, чиқорилгон мазкур буйруқ ё халқ орасига тамом тарқалмаган ва ёҳуд тарқалган бўлса ҳам, мухтасар бўлгонлиги учун мазмуни яхши англашилмагон. Биноаналайх, халқ орасинда ерлик мактабларга муҳаббат ва рағбат ўрнига нафрат пайдо бўлиб, гўё ерлик мактабларда дин дарслари ўқитилмайдир, шубҳасила қўп кишилар болаларини олиб, эски мактабларга бергонликлари ва баъзи ўринларда ерлик мактабларни очмокка халқнинг мамониъат қўрсатганлиги ва болаларин мактабларга бермагонликлари эшитиладур. Холбуки, юқорида ёзилгон буйруқ мусулмон мактабларинда дин дарслари ўқутмокка қомил ихтиёр берадур. Мисола, буйруқда «Таҳорат ва шунга ўхшаш муҳимрок ҳавойижи динияларин» дейилганки, муҳимрок ҳавойижи диния орасина намоз, рўза, ҳаж, закот, эътикодот, ахлоқ ва одоб мамошират ва муқаммал суратда Қуръони қарим ва шунларга ўхшаш заруриёти диниянинг ҳар бири қерақдур. Буйруқда манъ қилинган бир нарсая бор бўлса, ул ҳам имомлар томонидан ўқитилмоғидур. Холбуки, Россия мактабларида дин дарсларин ҳар вақт пўплар юриб ўқитганлар. Мусулмон мактабларида эсая дин дарсларин шул вақтгача имомлар юриб ўқитмасдан, фақат мактаб муаллимларининг ўзлари ўқитгонлар, шул сабабли ул шарт мусулмон мактабларида дин дарсларини муқаммал суратда ўқитмокка ҳеч бир ҳалал қелтирмайдир. Ибодат масаласига қелгонда, мусулмонлар учун ҳар ерда муъбад ва масжиддир. Мусулмон болаларин ибодатдин ҳеч қим манъ қилгони йўқ, улар тилаган ўринларида муаллимлари бошлиқ тилаганларича ибодат қила билурлар. Мусулмон мактабларида дин дарслари ўқитмок тўғрисидаги буйруқни бу тариқая тафсил бермақ ила буни ҳам илова қилинурки, ерлик мактабларида дин дарслари ўқитмок учун муаллимларга қомил ихтиёр берилган.

Бу ихтиёрдин фойдаланиб, ҳар бир муаллим ўзининг дарс жадвалига лоақал ҳафтада уч-тўрт соат дин дарслари қиритуб (бошқая фанларнинг соатига зарар етқурмаслик шарти ила), ул соатларни ибодат, эътиқодиёт, Қуръон ва ахлоқ қабия қисмларга бўлиб ўқитмокка виждонан мажбур ўлса қерақ. Ҳозиргача баъзи мактабларда дин дарслари берилмас экан, иш ҳуқумат нуқсонидан эмас, балқия муаллимларнинг нуқсонлари ва буйруқдан ҳабарсизликларидан. Бу ҳусусда қўл остиларидаги муаллимларга тегишли буйруқ ва маълумотни бермок ва дин дарслари учун муфассал програмлар тузиб эълон этмақ маҳаллий маориф шўъбалари ҳузуридаги турк шўъбаларининг вазифаларидир. Эски мактабларга қелсая, уларда на илм-билим бор ва на дин бор. Балқия ёш болаларнинг руҳоний ва ҳам жисмоний жихатдан ҳароб этилиб ётган танбалхоналардир. Биноаналайх, ундай зарарли мактаблари етарлиқ ёқия мактаблар

очилгон хар бир ўринда ёпар. Даромадларнинг текисрокларини ижтимоий таъминотга ёзиб, маишатларин ундан таъмин этдирмок, ёшрокларин таълим ва тарбия курсларида бир оз ўкитиб, янги мактабларга муаллим ўларок ўрнаштирмок лозимдур.

Аммо ёлгиз Куръони каримни хифз этдирмок максади ила давом этуб тургон корихоналар (бошларида муктадир корилар турмок шартила) ёйилмасдан, аввалги холларида давом этмаклари мумкинмур.

Ўлка Маориф комиссари: Мухаммадамин Афандизода

Турк шўъбаси мудири: Мунаввар кори

«Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 28 апрел